

НЕОКОНСЕРВАТИЗМ НАЗАРИЁТЧИЛАРИ ҚАРАШЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ҚУРОЛЛИК КУЧЛАРГА МУНОСАБАТЛАР ЭВОЛЮЦИЯСИ

*Тураев Абрар Салохиддинович, Жиззах давлат педагогика институти
Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мазкур мақолада АҚШ неоконсерватизм мафкурасининг муҳим атрибутларидан ҳисобланган ҳарбий куч омили масаласи таҳлил қилинади. Шу билан бирга неоконсерваторларнинг мафкуравий таъсир кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришда ватанпарварлик ғояларидан фойдаланиши муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: АҚШ, неоконсерватизм, мафкура, сиёсат, ташқи сиёсат, ватанпарварлик, қуролли кучлар.

Бугунги глобаллашув даврида ёшларда ватанпарвалик туйғусини шакллантириш, юксак ва мустаҳкам ҳаётий позициясини қарор топтириш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Янгича мафкуравий таҳдидлар шароитида маънавий етук ва ижтимоий-сиёсий дунёқараши мустаҳкам авлодни тарбиялаш, уларда юксак ватанпарварлик туйғусини шакллантириш орқали жамият барқарорлигига эришиш мумкинлиги аён бўлмоқда. Шу билан бирга, суверен давлатнинг мустақил ички ва ташқи сиёсатида қуролли кучлар омилининг ҳал қилувчи омил эканлигини таъкидлаш керак. Албатта, бугунги демократик қадриятлар ва тамойиллар асосида ривожланаётган давлатларнинг қуролли кучлардан фойдаланиши асосан мудофаавий характер касб этади. Шу бирга, хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Бугунги дунёнинг мафкуравий манзарасида ўзаро рақобатлашаётган, сиёсий кучларнинг мақсад ва интилишларини намоён қилаётган мафкуравий зиддият тенденцияси янада кучайиб борапти. Шунинг учун ёшларда ўзига хос мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишда замонавий сиёсий мафкуралар ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-мафкуравий жараёнлардаги ўрнига

баҳо бериш, мазмунини теранг англаш, янгича мафкуравий таҳдидларни кўра билиш кўникмаларини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Турли сиёсий кучлар манфаатларига хизмат қилаётган мафкураларнинг жозибадор ғоялари тарғиботи кўпгина ёшларни ўзига жалб қилмоқда. Мана шундай сиёсий мафкуравий оқимлардан бири сифатида неоконсерватизм мафкурасининг таъсири тоборо ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, Америка Қўшма Штатларида неоконсерватизм мафкураси ривожидавомида унинг асосий ғоялари шакллантирилди. Хусусан, биринчидан, ватанпарварлик масаласига катта эътибор қаратилиб, унинг табиий ва соғлом туйғу эканлиги ҳамда у хусусий ва жамоат институтлари томонидан фаол қўллаб-қуватланиши ва тарғиб этилиши лозимлиги таъкидланади. Иккинчидан, сиёсий глобаллашувга қаратилган глобал ҳокимият глобал жаҳолатга олиб келиши борасидаги барқарор қараш шакллантирилди. Глобал ҳокимият ташкил этишга қаратилган халқаро институтларга даргумонлик билан қараш тамойили неоконсерватизм сиёсий доктринасининг асосий устунларидан бири сифатида қарор топди. Учинчидан, давлат арбоблари, яъни сиёсий элита биринчи навбатда дўстни душмандан фарқлай олиш қобилиятига эга бўлиши кераклигини тушинтириш орқали, бир томондан сиёсий бошқарувнинг элитар тамойили устуворлиги таъкидланаётган бўлса, бошқа томондан эса, давлат бошқаруви билан боғлиқ фаолият оммага мўлжалланмаганлиги асосланади.

Неоконсерватизм мафкураси ғояларида ватанпарварлик ва куролли кучларни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бир қарашда барча давлатлар учун меъърий ҳолатдек туюлсада, аммо, неоконсерватизмда мазкур омиллардан асосан глобал гегемонлик мақсадларини амалга оширишда фойдаланиш кўзда тутилади. Бу эса дунёда ўзаро адоват, бошқа давларнинг ички ишларига араланиш ҳамда ҳарбий можароларнинг келиб чиқишига олиб келмоқда. Неоконсерватизм ғоявий асосчиларидан бири Лео Штраусс неоконсерватизмнинг асосий тамойилларидан бири - ҳарбий кучдан муаммоларни ҳал қилишнинг асосий воситаси сифатида фойдаланиш

заруратини асослаган эди. Кейинги даврларда ҳам унинг қарашлари замонавий неоконсервативлар томонидан мерос қилиб олинди.

Совуқ урушдан кейинги даврга келиб АҚШ неоконсерватив ташқи сиёсий стратегияси баҳс мунозараларида демократия асосий диққат марказдаги масалалардан бири бўлди. Неоконсерватизм демократияни қўллаб-қувватлаш ва уни стратегик мақсадлар учун экспорт қилиш, зарур вазиятларда ҳарбий воситалар кўмаги билан амалга ошириш каби ёндашувлари билан бошқа сиёсий мафкуралардан фарқли жиҳатларини намоён қилди. Ва бугунги кунгача неоконсерватив ғоялар тизимида демократия “тақчиллиги” кузатилаётган давлатлардаги либерал-демократик ислохотларни тезлаштириш, турли ёрдам воситалари орқали демократияни қарор топтириш вазифалари устувор масалалардан бири сифатида кўрилмоқда. Бундай стратегик ёндашув АҚШда неоконсерватизмнинг мафкуравий муносабатлар ва устувор сиёсий тафаккур тарзи сифатидаги ўрнини мустаҳкамлашнинг муҳим омили тарзида баҳоланиши билан боғлиқдир.

XX аср охири ва XXI аср бошларида демократик давлатлар бир бирлари билан урушмайди, деган тамойил қанчалик жозибадор бўлмасин, масъулиятсизлик, бепарволик, ҳарбий қудратни оширишга эътиборнинг камайиши каби ҳолатлар ҳам кузатилди. Аммо, неоконсерваторлар фикрича, демократиянинг хавфсиз мавжудлигининг ягона ечими – бу унинг ҳарбий куч-қудрати, устунлигидир[1,р.39]. Шу билан бирга, танқидларнинг асосли эканлиги шундаки, ёш неоконсерваторлар томонидан зарур вазиятларда ҳарбий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш ғоялари ҳам илгари сурилган. Хусусан, Р.Каганнинг “демократия мурасага келиб бўлмайдиган йўсинда тарғиб қилинмаслиги лозим. Фақатгина зарурат тақозо этсагина мурасасизлик бўлиши мумкин”[2, р.12-14.] сингари дуалистик ёндашуви мазмуни турлича баҳоланиши мумкин. Бу каби қарашларни неоконсерватив ғояларнинг таниқли тарафдори бўлган Ч.Краутхаммер муносабатларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, у “демократия ҳамма жойда қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезадистратегик зарурат юзага келганда қон тўкилишлар содир этилиши мумкин, лекин ҳар қандай ҳолатларда

ҳарбий интервенцияларнинг олди олинишига интилиш лозим” [3], деб таъкидлайди.

Умуман, неоконсерватизмда бугунги муҳокама масаласига тегишли қуйидаги ғоялар шаклланганлигини кўриш мумкин:

Биринчидан, АҚШда ҳарбий кучнинг ахлоқий мақсадларда ишлатилиши кераклигига ишониш: АҚШнинг кучи, шу жумладан ҳарбий, ахлоқий муаммоларни ҳал қилиш учун зарурдир. Дунёда ҳукмронлик қилаётган АҚШ алоҳида масъулиятга эга;

Иккинчидан, хавфсизлик ва адолатни таъминлашда халқаро ҳуқуқ механизмлари ва халқаро институтларнинг қонунийлиги ва самарадорлиги ҳақида шубҳа билан қараш лозим;

Учинчидан, АҚШнинг глобал ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ҳар йили ҳарбий бюджетнинг ўсиши. АҚШ ҳарбий қудрати бошқа мамлакатларнинг таҳдидидан бир неча баравар кўп бўлиши керак.

Тўртинчидан, чора-тадбирларнинг "ахлоқий равшанлиги" - таҳдидлар пайдо бўлишини кутмасдан, АҚШ сиёсий тамойилларини бутун дунё бўйлаб демократия, бозор иқтисодиёти ва эркинликни ҳурмат қилишни фаол равишда тарқатиши лозим;

Бешинчидан, армиянинг нуфузини ошириш, АҚШдаги ҳарбий операциялар, жамият ва армия ўртасидаги тафовутни бартараф қилиш, армия хизматини фуқаронинг энг шарафли бурчи сифатида тарғиб қилиш, захирада турувчилар сонини кўпайтириш лозим. Тинч аҳоли орасида ватанпарварлик ва милитаристик қадриятларни тарғиб қилиш, "халқ ва армия бирлиги", имкон қадар кўпроқ кўнгиллиларни жалб қилишга эътибор қаратиш керак.

Олтинчидан, демократиянинг Америка моделини ҳар қандай усул билан, зарурат бўлганда ҳарбий воситаларга таяниб кенг ёйиш сиёсатини олиб бориш керак.

Хулоса қилганда, ватанпарварлик ва ҳарбий ҳизмат, мамлакатни ҳимоя қилиш каби юксак инсонпарвар ғояларни тарғиботида баъзан тор доирадаги ғаразли кучларнинг мафкуравий таъсири омилини ҳам инобатга олиш керак

эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки, турли манипуляцион воситалар билан ёшлар онгини бошқаришга ҳаракатлар кучайиб, муаяйн давлатлардаги ҳарбий-ватанпарварлик чақириқларига салбий таъсир кўрсатишга ҳаракатлар қилинмоқда. Неоконсерватив мазмундаги ғояларда ватанпарварлик ва қуролли кучларни ривожлантиришга қаратилган масалаларнинг кўтарилиши орқали дунёдаги тинчликни таъминлаш даъвоси илгари сурилади. Бу эса кўпинча ёшларни чалғитиб, шу мазмундаги ғояларга мойиллигини кучайтиради.

Мамлакатамизда ҳарбий соҳадаги имлоҳатлардан кўзланган асосий мақсад эса, фикримизча, ёшларда умуминсоний кадриятларга таянилган ҳолда миллий ватанпарварлик руҳини ривожлантириш, турли глобал хавфсизлик чақириқларидан келиб чиқиб, бузғунчи кучларга қарши курашувчанлик позициясини қарор топтиришдир. Бунинг учун эса дунёда кечаётган геосиёсий жараёнлар, мафкуравий таҳдидлар мазмуни ва моҳиятини теранг англаш, ён атрофда кузатилаётган зиддияларга танқидий баҳо бериш кўникмаларини шакллантириш билан эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Muravchik J. Imperative of American Leadership: A Challenge to Neo-Isolationism. – Washington: AEI Press, 1996. – P.39.
2. William Kristol and Robert Kagan. Present Dangers: Crisis and Opportunity in American Foreign and Defense Policy. – Encounter Books, San Francisco, 2000. – P.12-14.
3. Maria Ryan. Neoconservatives and the Dilemmas of Strategy and Ideology, 1992-2006 // www.49thparallel.bham.ac.uk/back/special/Ryan_NeoconDilemmas.pdf.
4. Mukhammadsidiqov, M. (2019). Problems of regulation of secularism and religious principles in Arab countries. *The Light of Islam*, 2019(4), 23.
5. Mukhammadsidiqov, M. M. (2019). THE DEVELOPMENT OF ENERGY SECTOR IN CENTRAL ASIA AND THE ROLE OF UZBEKISTAN IN IT. *Theoretical & Applied Science*, (6), 532-534.
6. Mukhammadsidiqov, M., & Turaev, A. (2020). The Influence Of The Energy Factor On Modern International Relations. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 2 (12), 5, 15.
7. Muhammadsidiqov, M. (2018). THE INFLUENCE OF" RELIGIOUS FACTOR" ON ETHNO-POLITICAL AND CONFESSIONAL CONFLICTS IN MUSLIM COUNTRIES. *The Light of Islam: Vol: Iss. 1, Article 18.*

8. Mukhammadsidiqov, M., & Turaev, A. (2020). Influence of us neoconservatism on formation of national security paradigm. *The Light of Islam*, 2020(3), 113-120.
9. Turaev, A. (2019). Islamic factor in neoconservative foreign policy of the USA in the Middle East. *Theoretical & Applied Science*, (2), 175-178.